

Буриев Мухиддин Хаитбоевич
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ (КИМЁ САНОАТИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Мазкур мақолада саноатнинг устувор тармоқларидан бири бўлган кимё саноати ва унинг истиқболдаги ривожланиши трансформация жараёнларининг самарали амалга оширилишига боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: саноат, кимё саноати, давлат улуши, хусусийлаштириш, трансформация жараёнлари, рақобат муҳити.

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты вопросов, связанных с эффективным внедрением трансформационных процессов в химической промышленности и ее дальнейшим развитием, которое является одним из приоритетных секторов отрасли.

Ключевые слова: промышленность, химическая промышленность, государственная доля, приватизация, трансформационные процессы, конкурентная среда.

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of issues related to the effective implementation of transformation processes in the chemical industry and its further development, which is one of the priority sectors of the industry.

Keywords: industry, chemical industry, state share, privatization, transformation processes, competitive environment.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида саноат соҳасини ривожлантириш, улар фаолиятига инновацион жараёнларни татбиқ этиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарини модернизация қилиш, бошқарувнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. «Дунё бозоридаги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30 фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда саноат корхоналари нисбатан устуворликка эга бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун саноат соҳасидаги корхоналарни трансформация қилиш жараёнларини янада тезлаштириш зарур ҳисобланади.

Умуман олганда саноат корхоналари фаолияти самарадорлиги қўп жиҳатдан тармоқ ёки соҳада амалга оширилаётган трансформация жараёнларининг хусусиятига, ташкил этилган бошқарув ва унинг таркибий

тузилмасига боғлиқ. Шунинг учун мазкур назарий қоидани эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ турли тармоқ ва соҳа хўжалик бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш орқали улар фаолиятини трансформация қилиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Натижада миллий иқтисодиётни устувор соҳаларини трансформациялаш ҳамда соҳа ва тармоқлар таркибий тузилмасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари натижасида реал секторни катта талофатларсиз ўтиш давридан олиб чиқилди.

Чунки миллий саноатнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши ва жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши бевосита трансформация жараёнлари ва унинг натижадорлигига боғлиқ ҳисобланади. Эндиликда трансформациялаш жараёнларини тезлашуви эвазига ишга туширилаётган кимё саноатидаги замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида янги қувватларнинг йўлга қўйилиши рақобатбардош кимё маҳсулотлари салмоғининг республикамиз ялпи ички маҳсулотида кўпайишига, айни чоғда, ижтимоий-иктисодий тараққиётда юксак натижалар қўлга киритилишига олиб келмоқда.

Бу эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун кимё саноати корхоналарида трансформация жараёнларни тезлаштириш эвазига ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулот ва хизмат турларини муттасил янгилааб бориш негизида уларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи механизмларни ривожлантириш миллий саноатни модернизациялашнинг устувор йўналишига айланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Давлат улуши бор акциядорлик жамиятларида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш ҳамда саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни таъминлашнинг илмий, назарий, услубий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, М.Аоки, П.Ф.Друкер, Г.Менш, Э.Харгадон, Р.Г.Купер, С.Фрееман ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Жумладан М. Аокининг фикрича корхона активларини оширишга йўналтирилган ташаббуслар асосий ишлаб чиқариш ускуналарининг фойдаланиш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун имкониятларни ўз ичига олади [1]. Шунинг учун саноат корхоналарида трансформация жараёнларини амалга ошириш ўз навбатида хўжалик субъектларининг асосий воситаларини янгиланишига хизмат қиласи. Р. Купернинг таъкидлашича трансформацияни амалга ошириш, биринчи навбатда маҳсулот диверсификациясига олиб келса, иккинчидан корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва яроқсиз, сифатсиз маҳсулот ҳажмини қисқаришига ҳамда ишлаб чиқариш циклини камайтиришга олиб келади [4]. С. Фрееманнинг тадқиқотларида саноатдаги трансформация жараёнлари корхоналарнинг операцион фаолиятга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш билан бирга харидорлар талабини қондириш, уларга хизмат кўрсатишни яхшилашишига олиб келади [5]. Шу билан бирга корхоналар

(корпорация) самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш цехлари, қайта ишлаш бўлимлари ва бўлинмаларининг ўзаро функционал ҳамкорлигини яхшилаш соҳаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари тажрибасида корхоналарнинг трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш асосида уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги муаммолар Россиялик иктиносидчи олим В. Архиповнинг тадқиқотларидағи ёндашувига кўра трансформация жараёни мавжуд бизнес лойиҳаларни такомиллаштириш, шунингдек, иш самарадорлигини ошириш учун замонавий технологиялардан фойдаланишни англатади [7]. Ушбу жараён янги, энерго тежамкор технологияларни доимий равишда жорий қилишни ўз ичига олади, бу миллий иктиносидиётни рақобатдошлигини ўзгартиришга олиб келади. Яна бир россиялик олим Б. Райзберг давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий секторни ривожлантириш нуқтаи назаридан трансформация жараёнларини амалга ошириш бизнес муҳитини шакллантирадиган тадбиркорлик юритишнинг амалий усулларини қўллаб-қувватлаш сифатида қаралади деб ҳисоблайди [11].

Маҳаллий олимлардан А.У.Бурханов, Н.М.Махмудов, Г.А.Саматов, А.М.Кодиров, Д.С.Қосимова, Г.К.Тараҳтиева ва бошқаларнинг тадқиқотларида саноат тармоқларида фаолият юритаётган корхоналардаги трансформация жараёнларининг айрим жиҳатлари иктиносидий самарадорликни ошириш механизмлари, жумладан ташкилий, иктиносидий механизмлар, инфратузилма ва бошқарув масалаларини ўрганиш нуқтаиназаридан турли назарий, илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, А. Бурхановнинг тадқиқотларида Ўзбекистон саноат тармоқларида технологиялар эскириш даражасининг юқорилиги энергия ва фонд сигими ҳамда уларга сарфланаётган харажатларнинг кескин ошишига олиб келаётганлиги ҳамда саноат корхоналарининг ўз айланма маблағларининг камлиги ва кредит таъминотидаги камчиликлар улардаги технологик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини суст бораётганлигига сабаб бўлаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтган. Бизнинг фикримизча, мазкур ишнинг хulosасида корхоналар фойдасини қўпайтиришнинг муҳим омиллари тўғрисидаги таклифлар ўз ифодасини топган. Бироқ корхоналар фаолиятини молиялаштиришда асосий муаммолардан бири бўлган давлат улушкини камайтириш, давлат аралашувини қисқартириш ҳамда корхоналарни хусусийлаштириш орқали трансформациялаш жараёнларини тезлаштириш масалалари муаллифнинг ишида кам ўрганилган. Ҳолбуки, молиялаштириш манбаларининг барқарорлигига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири бу корхоналарнинг иктиносидий эркинлиги ва мавжуд бизнес муҳит ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтган олимларнинг тадқиқотларида иктиносидиёт тармоқларини замонавий ривожланиши шароитида трансформация

жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ изланишлар, хусусан кимё соҳасига оид корхоналар тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

Фикримизча, саноат соҳасида трансформация жараёнларини ривожлантириш ўз навбатида бозор қонунларини синчковлик билан ўрганиш ва мавжуд иқтисодий имкониятларни таҳлил қилиш орқали, ишлаб чиқаришни диверсификациялашга йўналтирилган янги бошқарув стратегияларини ишлаб чиқишига асос бўлади. Саноатда трансформациялаш тамойилларини амалга ошириш, биринчи навбатда, бозор талабларига яхшироқ мослаша оладиган корхоналарни ташкил топишига туртки берса, иккинчи томондан хусусий секторни имконияти ва қўламини кенгайишига замин яратади. Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот заруратини белгилаб берди.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, индукция, дедукция, баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда саноатга оид тузилмалардаги трансформациялаш жараёнлари борасида айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди;

саноатнинг устувор йўналишларидан бўлган кимё саноати соҳасидаги трансформациялаш жараёнларини жадаллаштириш борасида тавсиялар берилди. Масалан, кимё саноатида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда таркибий силжишларнинг бош йўналиши сифатида трансформация жараёнларини фаоллаштириш, нисбий устунликка эга бўлган соҳаларга устуворлик бериш;

трансформация жараёнларини амалга оширилиши биринчи навбатда тармоқда давлат аралашувини сезиларли даражада камайтиришга олиб келади. Шунинг учун давлат улуши бўлган корхоналарда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини оширишга қаратилган жиддий чораларни кўриш;

кимё саноатида трансформация тамойилларидан фойдаланган ҳолда инвестиция лойихаларини амалга ошириш, устувор тармоқларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш негизида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш;

иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида кимё соҳасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимини бугунги қун талабларидан келиб чиқиб, янги ёндашувларни ишлаб чиқиши.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда миллий саноат корхоналарини давлат томонидан иқтисодий ва ташкилий рағбатлантириш сиёсатининг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари, аввало, у ёки бу тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва асосий маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражаси ҳамда корхоналарнинг инновацион салоҳияти билан белгиланади.

Устувор тармоқларни трансформация қилиш жараёнлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг мазмуни, моҳияти, ўзгариш хусусиятлари бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига, рақобатбардошлик даражасига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархига, мамлакат иқтисодиётининг тараққиётига таъсир кўрсатади. Демак, таъкидланганлардан келиб чиқсан ҳолда, бизнинг фикримизча, саноатнинг локомотиви бўлган соҳаларида трансформация жараёнларни бошқаришнинг ташкилий, иқтисодий моҳияти, бошқарувнинг самарадорлиги, ишлаб чиқариш фаолиятининг натижадорлиги, бошқарув стратегияларини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз навбатида ишлаб чиқариш салоҳияти тушунчаси, унинг таркиби, ҳолатини баҳолаш бўйича иқтисодий кўрсаткичларни илмий жиҳатдан шакллантириш, услубий жиҳатдан очиб бериш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллардан кўринадики 2021 йилда иқтисодиёт тармоқларининг таркибий ўзгариши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ҳажмида энг катта улуш хизматлар соҳасига тегишли бўлиб, бу кўрсаткич 38,6 фоизга, энг паст кўрсаткич қурилиш ишлари соҳасида бўлиб, бу кўрсаткич 6,7 фоизга тўғри келган. Саноатнинг улуши 2020 йилдаги 27,5 фоиздан 2021 йилда 27,8 фоизга ошган. Бироқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги кўрсаткич 27,1 фоиздан 26,9 фоизга қисқарган.

Мамлакатимизда ЯИМ юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ёки жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда, рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш таъминланаётганлигини таъкидлашимиз жоиз. Айниқса, мамлакат реал секторидаги таркибий ўзгаришлар билан бир қаторда тармоқларда жиддий трансформация жараёнлари амалга оширила бошланди. Жумладан, трансформация жараёнларини янада фаоллаштириш муҳим бўлган соҳалардан бири кимё саноати ҳисобланади. Чунки кимё саноати республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, юқори экспорт салоҳиятига эгадир. Унинг ўзига хос яна муҳим бир жиҳати иқтисодиётнинг аграр сектори билан ўзаро узвий алоқада эканлиги билан асосланади, чунки у қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаради. Шунинг учун кимё саноатининг ривожланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида устувор умумдавлат вазифасидан бири сифатида қаралмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий

соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4992-сон қарори қабул қилинди. Қарорда кимё, биокимё, газ ва нефть-кимё саноати йўналишларининг транформациясини узоқ муддатли қуидаги стратегик йўналишлари белгилаб берилди:

1. Технологик трансформация. Бунда маҳаллий хом-ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида тайёрланган тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш;

2. Хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш. Бунинг учун корхоналарни бошқаришда давлат аралашувига чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан воз кечиш;

3. Мулкий муносабатлар тизимини трансформация қилиш. Мазкур вазифани амалга ошириш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални жалб қилиш, кимё корхоналарида давлат улушкини кескин қисқартириш ва кимё корхоналарини хусусийлаштириш;

4. Рақамли трансформацияни амалга ошириш. Бу йўналишда энг муҳими молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш;

5. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро корпоратив муносабатларни трансформациялаш. Бунинг учун мамлакатдаги олий таълим муассасалари, илмий текшириш институтлари ҳамкорлигига инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

6. Кадрлар тайёрлаш тизими трансформацияси. Соҳага профессионал, замонавий ва халқаро тажриба амалиётидан хабардор кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш;

7. Маркетинг тизими трансформацияси. Бунда кимё саноати корхоналарининг экспорт салоҳияти, инвестициявий жозибадорлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорга истеъмол товарларини етказиб беришнинг самарадор усусларини йўлга қўйиш, ташқи бозорларга чиқиш учун кимё саноатининг трансформациялашувини амалга ошириш каби долзарб масалаларни ҳал этиш.

Демак, юқорида санаб ўтилган 7 та муҳим йўналиш бўйича трансформациялаш жараёнларини фаоллаштириш ўз навбатида мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим омиллардан саналади. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, кимё саноатини трансформациялаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этиб, ишлаб чиқариш

технологик базасининг янгиланиши эвазига нафақат ички балки ташқи бозорни кимёвий ва минерал ўғитлар билан таъминлаш имкониятини оширади.

Кимё саноатида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда таркибий силжишларнинг бош йўналиши сифатида трансформация жараёнларини фаоллаштириш, нисбий устунликка эга бўлган соҳаларга устуворлик бериш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Чунки трансформация жараёнларини амалга оширилиши биринчи навбатда тармоқда давлат аралашувини сезиларли даражада камайтиради, иккинчидан, давлат улуши бўлган корхоналарда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини оширишга қаратилган жиддий чоралар кўрилади, учинчидан, саноат соҳасида рақобат муҳити юзага келади. Кимё саноати ўзига хос бўлган айрим хусусиятларига эга бўлиб, бу тармоқда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар яратиш имкониятлари мавжуд. Масалан, капрон ишлаб чиқариш учун табиий ипак олишга нисбатан 20 баравар кам меҳнат сарфланади. Яна муҳим бир жиҳати кимё саноатида ишлаб чиқаришни бирлаштиришда (комбинациялашда) катта имкониятлар мавжуд.

Чунончи, кўумир, нефть ва газни қайта ишлаш ҳисобига энергия олиш, шунингдек, улардан саноатда фойдаланиш учун қимматли кимёвий маҳсулотлар (бензин, парафин) олиш билан бир пайтда нефть-кимё тармоқлари қурилишига асос бўлади. Ўзбекистоннинг кимё саноати жуда катта хомашё базасига эга эканлиги билан минтақадаги бошқа давлатлардан ажралиб туради. Шу билан бирга республикамизнинг кимё саноати бир нечта тармоқларни қамраб олади: тоғ-кон-кимё саноати (минерал хомашё қазиб олиш); асосий кимё (кимёвий тузлар, кислоталар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш); органик синтез кимёси (яrim тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш); полимерлар кимёси (пластмасса, каучук, турли толалар тайёрлаш); полимер материалларга ишлов бериш (шина, полиэтилен пленкалар ишлаб чиқариш).

Мазкур мақолада кимё соҳасида фаолият юритаётган корхоналар хусусан, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибидағи корхоналар фаолияти таҳлил этилган. Чунки сўнгги йилларда мамлакатимизда кимё саноати корхоналарида трансформация жараёнлари анча фаоллашди, уларни молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва фаолиятини барқарорлаштириш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, давлат активлари бор корхоналарни тизимли равишда хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари,

молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган минерал ўғитларнинг деярли барчаси маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, азотли ўғитларга ихтисослаштирилган “Максам-Чирчиқ” АЖ, “Фарғонаазот” АЖ, “Навоийазот” АЖ; фосфорли ўғитларга ихтисослаштирилган “Аммофос-Максам” АЖ, “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ (Қўқон суперфосфат заводи) энг йирик кимё корхоналаридан ҳисобланади. Шу билан бирга “Деҳқонобод калий заводи” УК, “Электрохимзавод ҚҚ” АЖ, “Қўнғирот сода заводи” УК, “Самарқандкимё” АЖ ҳам босқичма-босқич янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш амалиёти қўлланмоқда. 2021 йилда соф ҳолда жами 1379,1 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шундан 1006,6 минг тонна азотли, 150,5 минг тонна фосфорли ва 222,0 минг тонна калийли ўғитлар ҳиссасига тўғри келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 68,6 фоизи ёки 988,3 минг тоннаси ички истеъмолга йўналтирилади. Қолган 29,4 фоизи ёки 423,8 минг тоннаси экспорт қилиш учун мўлжалланган. Экспорт жами 25 та давлатга амалга оширилади. Карбамид, аммиакли селитра, сульфат аммоний ва аммофос маҳсулотларини асосан Қозогистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Эрон ва Индонезия давлатлари томонидан харид қилинади.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда дунё бўйича соф ҳолда азотли минерал ўғит ишлаб чиқариш 169,3 млн. тонна, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш 52,8 млн. тонна, калийли ўғит ишлаб чиқариш 47,4 млн. тоннани ташкил этган. Лекин жаҳонда минерал ўғитга бўлган талаб 2019 йилда 188,3 млн. тоннани ташкил этган бўлса, реал ҳолда ишлаб чиқариш 176,3 млн. тоннани ташкил этган ёки талаб 6,3 % қондирилмаган.

Кимё саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 76 % минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалари (53 турда), 9 % ноорганик маҳсулотларга (38 турда), 8 % кимёвий реагентлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни (58 турда), 7 % органик маҳсулотларга (21 турдаги) тўғри келади. Кимё саноати корхоналардаги моддий-техника базасининг эскирганлиги, ишлаб чиқаришда иштирок этаётган технологиялар кўп энергия ресурсларини талаб қиласи. Бу ҳолат эса маҳсулот таннархининг кўтарилишига олиб келади.

Кимё саноати маҳсулотлариниг экспорти кўрсаткичларида сўнгги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга дунё бозоридаги рақобатнинг ўсиши, инновацион технологияларнинг жорий этилиши ҳамда маҳсулотлар сифатига бўлган талабнинг ортиши каби омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида кимё саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янги ёндашувларни ишлаб чиқиши объектив заруриятга айлантируммоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, «Ўзқимёсаноат» АЖ нинг акциялари 100% давлатга тегишли бўлиб, жами 22 та юридик шахсларнинг, шу жумладан, республикадаги 9 АЖ, 7 МЧЖ, бир унитар корхоналарнинг устав капиталида иштирок этади. Компания кимё тармоғидаги аксарият корхоналарнинг 51% дан кўпроқ улушига тўғридан-тўғри эгалик қиласи, яъни уларнинг назорат акция пакетига эга.

Кимё саноати соҳасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари активларида давлат улушининг сақланиб қолиши кимё соҳасидаги корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини тўғри юритилишига, инновацион салоҳият ва иқтисодий манфаатдорликнинг юзага келишига ҳамда замонавий инновация технологияларига асосланган ички ва ташки бозорларга йўналтирилган янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарали тизимини яратишга салбий таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодиётнинг босқичмабосқич ривожланиши ва рақобат бозорининг кучайиши корхоналарда замонавий технологияларга асосланган хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этишда корхонанинг молиявий ҳолати, корпоратив бошқарув тамойиллари, акциядорларнинг ҳуқуқларини химоялаш тизимининг ишлаши, мамлакатдаги иқтисодий-сиёсий аҳвол тўғрисидаги ахборотлар инвесторларнинг диққат эътиборида бўлиб, шу омиллар асосида хориж инвестициялари мамлакат иқтисодиётига жалб этилади.

Таҳлилларимиз натижасига кўра «Ўзқимёсаноат» АЖ тизимидағи корхоналарнинг асосий воситаларини жисмоний ва маънавий эскирганлиги ҳамда корхоналарнинг акциядорлик капиталида давлат улушининг юқорилиги уларнинг бошқарувида корпоратив бошқарув механизмларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса корхоналарни бошқаришда юқори таваккалчилик билан боғлиқ ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

“Ўзқимёсаноат” АЖ корхоналарида самарадорлик кўрсаткичларини (индикаторлар) баҳолашда тармоқ акциядорлик корхоналаридаги ходимлар салоҳияти, ташкилий-иқтисодий фаолият, технологик ҳолат ҳамда инновацион фаоллигини таҳлил этиш инновацион жараёнларни бошқаришда зарур бўлган қарорларни қабул қилишда асос бўлади. Шунинг учун бу кўрсаткичларга бевосита таъсир этадиган индикаторларни тўғри танлаш ва натижани объектив бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун инновацион фаолиятни фаоллаштириш миллий инновация тизими субъектлари ҳаракатини бир томондан мувофиқлаштиришни, иккинчи томондан, инновацияни амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, инновация жараёнини ривожлантириш учун шароит яратишда манфаатдор бўлган таркибларнинг интеграциясини талаб этади. Бу вазифани бажаришда бевосита тармоқда самарали трансформация жараёнларини амалга ошириш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Демак, олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, самарали трансформация жараёнларини амалга ошириш ўз навбатида корхоналарда қўйидаги имкониятларни пайдо бўлишига олиб келади:

- норматив-хукуқий, ахборот, кадрлар билан таъминлаш, маслаҳат бериш, инновациялардан фойдаланишни ўз ичига олган инфратузилмани яратиш ҳамда инновацион тизимнинг элементларини ривожлантиришни амалга оширадиган ўзаро келишилган тадбирларни амалга ошириш;

- инновациявий тизимни устувор йўналишиларини ривожлантиришга молиявий ресурсларни жалб этиш (бюджет ва бюджетдан ташқари бўлган манбалар, венчур капитали, тижорат банкларини кредити ҳамда халқаро кредит ва техник ёрдам ҳисобидан);

- инновациявий тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш эвазига давлатнинг энг муҳим манфаатларини таъминлаш, рақобатбардош товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга шароит яратиш;

- илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва унинг натижаларидан фойдаланишни халқаро даражага кўтарадиган инновацион муҳитни таъминлаш;

- мамлакатда фан ва фан сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш, интеллектуал фаолиятнинг бошқа турлари учун керак бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янги техника ва технология билан таъминлаш, уни интенсив ривожлантириш учун керак бўлган кадрлар билан таъминлашнинг асосини яратиш;

- амалий тадқиқотлар ва фундаментал ишланмаларнинг мақсадли дастур тизимини барпо этиш ва ундан фойдаланиш;

- ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда устувор тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадида илмий ташкилотлар тармоғини ислоҳ этиш;

- ишлаб чиқариш билан таълим тизими интеграциялашувини таъминлаш;

- фан билан шуғулланувчилар меҳнати қадрини ошириш, ёшларни илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга жалб этиш, илмий ходим ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш учун шароит яратиш.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, кимё соҳасида трансформация жараёнларини фаоллаштириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши асосида мамлакатнинг тармоқ ва соҳалар имкониятини баҳолаш, кимё саноатининг рақобат салоҳиятини аниқлаш, соҳанинг инновацион устувор йўналишларини белгилаб олиш ишлаб чиқаришда жиддий сифат ўзгаришларга олиб келади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда давлат улуши бор корхоналарда трансформация жараёнларини тезлаштириш ва ривожлантириш тенденцияларини чукур ўрганиш республикамиздаги корхоналарда рақобат муҳитини яхшилаш билан бирга ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга ижобий таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Mensch, G. Stalemate in technology: innovations overcome the depression / – Cambridge, Mass.: Ballinger Pub. Co., 2019. – 241 pp.;

2. Cooper R.G. Maximizing Productivity in Product Innovation // Research Technology Management. 2018. - March-April. – P. 47-58;
3. Freeman C. The economics of industrial innovations / – Cambridge, MIT Press, 1999;
4. Pisano G.P. You need an innovation strategy // Harvard business rev. – Boston, 2015. – Vol. 93, N 6. – P. 44-54.
5. Ковалев, В.В. Финансы организаций (предприятий): учебник / – М.: Проспект, 2010.– 352 с.
6. Бурханов А.У. Саноат корхоналарининг рентабеллигини ошириш йўллари. // Иқтисодиёт ва таълим, 2018 й., №1, -Б. 203-204.
7. Махмудов Н.М., Хомидов С. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмаларидағи таркибий ўзгаришларнинг ялпи ички маҳсулотга таъсирини баҳолаш. // Иқтисодиёт ва таълим, 2018 й., №1, -Б. 65-66.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари.
9. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
10. Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.; Иқтисод-молия, 2015. -290 б, -34 б.
11. Чжан Цзысюань. Методы оценки финансового состояния предприятий в условиях кризиса. Евразийский Научный Журнал, 2018. №6. -41-44 стр.
12. Акбердина, В. В. (2018). Трансформация промышленного комплекса России в условиях цифровизации экономики. Известия Уральского государственного экономического университета, 19(3), 82-99. <https://doi.org/10.29141/2073-1019-201819-3-8>.